



04.09.2019



НАМАНГАН вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳудудларда ўтказилаётган сайёр қабуллар фуқароларнинг мурожаатларини ўз жойида ҳал қилиш, қаноатлантириш ва тегишли кўрсатмалар беришда адлия бўлимлари асосий кўмакчи бўлиб хизмат қилмоқда.

Тўрақўрғон туман адлия бўлими томонидан Тўрақўрғон тумани, Исвахон МФЙда яшовчи фуқаро М.Низомовнинг Тўрақўрғон туман, Чусткўприк МФЙда жойлашган савдо дўкони давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан бузилган бўлса-да, компенсация пуллари тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида баҳолаш ҳисоботида келтирилган 128.464.454 сўм миқдоридagi компенсация маблағлари Молия вазирлиги ҳузуридаги республика йўл жамғармаси томонидан ҳозирги кунга қадар фуқаро М.Низомовга тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-банди талабига асосан, ер участкаларини олиб қўйиш компенсациянинг бузилаётган уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтлар қийматини фуқароларга тўлаш шarti билан амалга ошириш белгиланган. Мазкур компенсация пулларининг ҳозирги кунга қадар тўлаб берилмаганлиги фуқаро М.Низомовнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилганлиги, унга моддий ва маънавий зарар етганлиги сабабли фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судига фуқаро М.Низомов манфаатида жавобгар “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш Дирекцияси” ДУКга нисбатан даъво ариза киритилди.

Суднинг 2019 йил июль ойидаги ҳал қилув қарорига асосан, фуқаро М.Низомовга тегишли бўлган Тўрақўрғон туман Чусткўприк МФЙда жойлашган савдо дўкони бино иншоотлари учун 128.464.454 сўм компенсация суммаси ундириб берилди.

89 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [Одам савдоси жабрдийдасига айланманг! \(2019 йил, 37 сон\)](#) [3]
- [Атом энергияси тўғрисидаги Қонун: 10 та афсона ва ҳақиқат](#) [4]
- [“Биз коррупцияга қаршимиз” мегатанлови. Кураш қалб ва онгда шаклланиши керак \(2019 йил, 37 сон\)](#) [5]
- [Пармонович пенсияга чиқмоқчи “Пармонов” эса халал бермоқда \(2019 йил, 36 сон\)](#) [6]
- [Судьялар олий мактаби. Мамлакатимиз суд тизимида яна бир тарихий воқеа \(2019 йил, 36 сон\)](#) [7]
- [Уй ҳайвонларига паспорт нимага керак? \(2019 йил, 36 сон\)](#) [8]
- [Коррупция — тараққиётга таҳдид \(2019 йил, 36 сон\)](#) [9]
- [Обуна — 2020 адлия идоралари биз билан! \(2019 йил, 36 сон\)](#) [10]
- [Адлиядан янги ташаббус: энди ҳуқуқий мададга муҳтож бўлмайсиз. Чунки... \(2019 йил, 36 сон\)](#) [11]
- [Дунёга машҳур ёзувчилар аслида ким бўлган? \(2019 йил, 34-35 сон\)](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/5013>

Ссылки

[1] <http://insonvaqonun.uz/print/5013>

[2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/5013>

[3] <http://insonvaqonun.uz/node/5032>

[4] <http://insonvaqonun.uz/node/5030>

[5] <http://insonvaqonun.uz/node/5029>

[6] <http://insonvaqonun.uz/node/5026>

[7] <http://insonvaqonun.uz/node/5024>

[8] <http://insonvaqonun.uz/node/5023>

[9] <http://insonvaqonun.uz/node/5021>

[10] <http://insonvaqonun.uz/node/5020>

[11] <http://insonvaqonun.uz/node/5019>

[12] <http://insonvaqonun.uz/node/5015>